

## ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Рахмонов Муслимбек Рахматилла ўғли,  
ТДИУ ассистенти**

**E-mail: [muslimraxmon@gmail.com](mailto:muslimraxmon@gmail.com)**

**Аннотация:** Мамлакат ижтимоий-иқтисодий муносабатларини тартибга солишда логистика инфратузилмасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу мақолада иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида мамлакатимизда логистика инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари, унинг иқтисодиётга таъсири ва логистика марказларини яратишнинг аҳамияти каби саволлар кўриб чиқилади.

**Аннотация:** Развитие логистической инфраструктуры в социально-экономических отношениях страны имеет особое значение. В этой статье рассматриваются перспективы развития логистической инфраструктуры в стране в условиях глобализации экономики, ее влияния на экономику и важности создания логистических центров.

**Annotation:** The development of logistics infrastructure is particularly important in country's socio-economic relationships. This article examines the prospects for the development of logistics infrastructure in the country in the context of globalization of the economy, its impact on the economy and the importance of creating logistics centers.

**Калит сўзлар:** Логистика инфратузилмаси, логистика, инфратузилма, логистика маркази, халқаро транспорт йўлаклар.

### Кириш

Бугунги кунда саноатлашаётган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни амалга ошириш ёки кенгайтириш учун ташкил қилишмоқда. Ушбу иқтисодий ислохотлар мамлакатимизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бандида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш сифатида қайд этилган [1].

Бу йўналишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш; эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш; йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари устувор этиб белгиланган.

Ангрен-Поп темир йўли барпо этилиши билан мамлакатимизда ягона темир йўл тизими вужудга келди ва ушбу темир йўли Буюк Ипак йўлидаги давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири бўлмоқда.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Логистика инфратузилмасини ривожлантириш, унинг мазмуни ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўрганган бир қатор олимлар логистика инфратузилмасининг моҳияти ҳақида турли хил фикрларни билдирганлар.

Д. Бауэрсокснинг фикрича, логистика инфратузилмаси ишлаб чиқариш объектлари, ахборот воситалари, транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш ва тушириш терминаллари ва чакана дўконларга тегишлидир. Муаллифнинг фикрича, логистика инфратузилмасини ташкил этишда маълум географик жойлашуви бўлган объектлар (омбор комплекслари) сонини аниқлаш ва ҳар бир жойда сақланувчи маҳсулот захираларини ҳисоблаш керак. Шу билан бирга муаллиф, транспорт тармоқлари, транспорт воситалари ва транспорт компанияларини ўз ичига олган транспорт логистика инфратузилмасини алоҳида қайд этади [2].

А.Д. Чудаков логистика инфратузилмаси деганда моддий-техника ресурслари етказиб берувчиларнинг таъминот занжири иштирокчилари, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот истеъмолчиларини тушунади. Шу билан бирга, логистика инфратузилмасида муаллиф логистиканинг барча соҳаларини (қуйи тизимларини) ўз ичига олишини таъкидлайди. Булар: моддий-техник таъминот, транспорт ва сақлаш, инвентаризацияни бошқариш, маркетинг фаолиятидир [3].

А.Л.Носов, ўз навбатида, логистика инфратузилмасини инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётини таъминлаш учун ишлаб чиқилган моддий ва техник тизим, уни ривожлантириш эса, ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги учун асосий шартлардан ҳисобланади деб таъкидлайди. Муаллиф логистика инфратузилмасига темир ва автомобиль йўллари, алоқа, турли хил транспорт, омбор хўжалиги ва турли хил иншоотларни киритади [4].

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, логистика инфратузилмасига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширувчи, логистика фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган бино-иншоот, транспорт тизимлари, ишлаб чиқариш объектлари, юк ташувлари, омборхоналар мажмуаси деб таъриф бериш мумкин.

## **Тадқиқот методологияси**

Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудлар ва логистика марказлари фаолиятини ривожлантириш, ушбу жараёндаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг логистика кўрсаткичлари индекси, логистика марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тажрибасини таҳлил қилдик, қиёслаш, анализ, синтез усуллари орқали улар фаолиятини ривожлантириш йўналишларини келтирдик.

## **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз автомобиль транспорти операторлари томонидан кўрсатилаётган юк ташиш хизматлари таннархи таркиби ривожланган

мамлакатларнинг ўхшаш кўрсаткичаридан жуда фарқ қилар экан. Айниқса, таннарх таркибида ёнилғи, амортизация харажатлари, солиқ ва йиғимлар улуши бир неча маротаба юқори бўлиб, рағбатлантиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланувчи ҳайдовчилар иш ҳақи улуши 3 баробардан ҳам камроқ экан[5]. Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра, ташиш харажатларининг асосий моддалари транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳисобига тўғри келади. Республика ҳудудий автомобиль транспорти бирлашмаларида ишлатилаётган транспорт воситаларининг эскириш даражаси уларнинг автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш бозоридаги рақобатга бардош бера олмаслигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

### 1-жадвал

#### Автомобиль тарнспортида юк ташиш таннархининг таркибий тузилиши[6]

Харажатлар номи	Ташиш таннархидаги улуши % да	
	Ўзбекистон	Европа иттифоқи
<b>Ёқилғи</b>	37 - 40	16 - 20
<b>Мойлаш материаллари</b>	2 - 2,2	3
<b>Ҳайдовчининг иш ҳақи</b>	15 - 16	52 - 55
<b>Шина харажатлари</b>	2 - 2,5	1 - 1,1
<b>Амортизация ажратмалари</b>	10 - 12	5 - 6
<b>Солиқ ва йиғимлар</b>	6 - 7	2
<b>Бошқа харажатлар</b>	20 - 21	16

Мамлакатимиз денгиз ва океан портларига бевосита чиқиш имкониятига эга эмас. Шу муносабат билан 1996 йил апрелда «ТРАСЕКА» дастурига мувофиқ идоралараро ишчи гуруҳи тузилиб, бу гуруҳ транспорт коридорларини ташкил қилиш ва уларни умумлаштириш масалаларини ҳал қилди. Улардан қуйидаги транспорт коридорлари қурилиши амалга оширилади [7]:

- Ташкент – Ашгабад – Туркманбоши порти – Баку порти.
- Алмата - Тошкент - Истамбул автомагистрали.
- Марказий Осиё мамлакатлари - Шарқий Хитойнинг портларидан биригача.
- Марказий Осиё мамлакатлари-Теджен-Серахс-Машҳад-Бандар Аббас порти (Эрон).
- Марказий Осиё мамлакатлари - Эрон Ислом Республикаси - Туркия Истамбул порти. Бугунги кунда халқаро юк ташувлари билан шуғулланаётган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари қуйидаги транспорт коридорларидан фойдаланиб келмоқдалар:

1-йўлак – Болтиқбўйи давлатлари портлари йўналишида (транзит билан Қозоғистон ва Россия орқали) – Клайпеда (Литва), Рига, Лиепая, Вентспилс (Латвия), Таллин (Эстония);

2-йўлак – Беларусь ва Украина орқали (транзит билан Қозоғистон ва Россия орқали) – Чоп (Украина) ва Брест (Беларус) чегара ўтишлари, кейинчалик Европага;

3-йўлак – Украинанинг Ильичевск портига (транзит билан Қозоғистон ва Россия орқали), Қора денгизга чиқиш билан;

4-йўлак – Грузиянинг Поти ва Батуми портларига (транзит билан Туркменистон ва Озарбайжон орқали), Қора денгизга чиқиш билан, ТРАСЕКА йўлаги деб ном олган;

5-йўлак – Эроннинг Бандар-Аббос портига (транзит билан Туркменистон орқали) Форс кўрфазига чиқиш билан;

6 - йўлак – Шарқий йўналишда Хитой орқали (транзит билан Қозоғистон орқали) Сарик денгизга;

7- йўлак – шарқий йўналишда Узоқ Шарқнинг Находка ва Владивосток портлари орқали (транзит билан Қозоғистон ва Россия орқали) Сарик денгизга.

8-йўлак – Туркия ва Европага (“Баку-Ахалкалаки-Карс” янги темир йўлида транзит билан Туркменистон ва Озарбайжон орқали);

Ҳозирги кунда яна қуйидаги йўналишлар ривожлантирилмоқда:

– Европа ва Жанубий-шарқий Осиё йўналишида (Туркиянинг Мерсин порти орқали транзит билан Туркменистон ва Эрон орқали);

– Хитой портларига (транзит билан Қирғизистон орқали) Сарик, Шарқий-Хитой ва Жанубий-Хитой денгизларига чиқиш билан.

Халқаро экспертларнинг баҳоларига кўра, лойиҳа амалга оширилган йўлакнинг ўтказиш қобилияти, ички ташишларни ҳисобга олмасдан, 12-14 млн. тонна юккача етади ҳамда Шанхайдан Лиссабонгача узлуксиз ер усти алоқаси имконияти пайдо бўлади. Томонлар Андижон, Ўш ва Қашғар ўртасидаги халқаро автомобиль йўлини қайта қуриш ва ривожлантириш битимини имзолаган.

– Афғон муаммоси тартибга солиниши муносабати билан транзит билан Афғонистон орқали Эроннинг Бандар-Аббос ва Чахбаҳор портларига чиқадиган жанубий муқобил транспорт йўлакларини ишлаб чиқиш бўйича янги истиқболлар очилмоқда.

Мамлакатимизнинг логистика кўрсаткичлари индексига назар ташласак, энг юқори натижалар айнан инфратузилма ва ўз вақтида етказиб бериш индикаторларида нисбатан ижобийлигини кузатиш мумкин (2-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар Хитойда ўртача 4.07 ни, Сингапурда 4.14 ни, қўшни Қозоғистон Республикасида эса 2.75 ни ташкил этади.

## 2-жадвал

### Қиёсланаётган давлатларнинг логистика кўрсаткичлари индекси [8]

Давлат	ЛКИ ўрни	Божхона	Инфра-тузилма	Халқаро ташувлар	Логистик рақобат	Кузатув ва назорат	Ўз вақтида етказиш
<b>Ўзбекистон</b>	118	2.32	2.45	2.36	2.39	2.05	2.83
<b>Қозоғистон</b>	77	2.52	2.76	2.75	2.57	2.86	3.06
<b>Сингапур</b>	5	4.18	4.20	3.96	4.09	4.05	4.40
<b>Таиланд</b>	45	3.11	3.12	3.37	3.14	3.20	3.56
<b>Хитой</b>	9	3.94	4.10	4.05	4.00	4.03	4.29

Жаҳон мамлакатлар тажрибасига кўра, логистика марказлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилиши лозим:

1. Бизнес жараёнларида захираларни қуйидагилар ҳисобига қисқартириш:

- захираларни улгуржи ва чакана савдо ўртасида қайта тақсимлаш ҳамда улгуржи бўғинларда тўплаш;

- захира ҳолатларини назорат қилишнинг замонавий технологиясини қўллаш;

- иштирокчиларнинг захираларни ўз вақтида тўлдириб бориш масаласида юксак даражада мувофиқлашиб бориши.

Жорий захиралар ҳам, суғурта захиралари ҳам қисқариб боради. Жорий захиралар – қулай ўлчамдаги тўпламларнинг белгиланган муддатида етказиб берилиши ҳисобига амалга оширилади. Суғурта захиралари – товарларнинг ягона тақсимот омборида тўпланиши ҳисобига камайтиради. Масалан, агар 100 та дўкон битта тақсимот омбори атрофида бирлаштирилса ва бу ерда суғурта захиралари тўпланса, у ҳолда квадрат илдиз қонунига кўра, захираларнинг умумий ҳажми хизмат кўрсатиш бўйича барқарорликка зарар етказмагани ҳолда 10 марта камаяди.

2. Хизматлар бозорида логистика воситачиси ҳисобланган корхоналарнинг майдонлари ва ҳажмидан юқори даражада фойдаланиш. Масалан, товар ўтказиш бўғинларининг логистик қулайлиги дўконлар майдонларининг таркибини сезиларли даражада ўзгартириб, савдо майдончалари ҳисобига кўпайтиради. Буларга ушбу ҳисобларга кўра эришилади:

- умумий захиралар миқдорининг кескин қисқартирилиши ва уларнинг каттагина қисмини дўконлардан улгуржи бўғинларга кўчириш ҳисобига;

- тайёрлов жараёнларининг бир қисмини – қадоқлаш, тамғалаш, нархларини белгилаш ва бошқаларни товар ҳаракатининг олдинги босқичларига кўчириш ҳисобига.

3. Сармояларнинг айланишини тезлаштириш. Буларга талабларни бевосита жойлаштириш ва уларни бажариш жараёнларини вақти бўйича назорат қилиш ҳисобига эришилади.

4. Транспорт харажатларини қисқартириш, иштирокчиларнинг юқори даражада транспортдан фойдаланиш масаласида мувофиқлашувлари ҳисобига эришилади.

5. Юкларни ишлаш, шу жумладан, қўл меҳнати харажатларини камайтириш[9].

Логистика марказлари фаолиятдан фойдаланишдаги самаралар тўплами, одатда, кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар самараларининг йиғиндисидан ортади. Бу шу билан изоҳланадики, логистика жиҳатидан ташкиллаштирилган тизимларда вужудга келган бозор учун керакли юкни етказиб беришни таъминлаш қобилияти, зарур сифатда, керакли миқдорда, белгиланган муддатда, керакли жойга, энг оз миқдордаги харажатлар билан етказиб беришнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

Эркин зоналар ташкил этилиши минтақавий ривожланишни янада мақбуллаштириш, ташқи бозорларга йўналтирилган юқори самарали ишлаб

чиқаришларни жойлаштириш, логистика ва транспорт инфратузилмасининг замонавий тизимларини жорий этиш сиёсатини амалга ошириш йўлида янги қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор асосий транспорт конвенциялари ва халқаро шартномаларига қўшилган бўлиб, транспорт коридорларини диверсификациялаш ишлари давом этмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Фикримизча, мамлакатимизда логистика инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- мамлакатимизнинг Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навои, Бухоро ҳудудларида логистика ҳаблари яратиш ва логистика ва транспорт тизимига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ;

- мамлакатимизда замонавий логистика марказларини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

- маҳаллий, экспорт-импорт ва транзит товар айланмасини ривожлантиришга қўмаклашувчи логистика марказлари ташкил этишни ўз ичига олувчи мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- Ўзбекистоннинг географик жойлашуви замонавий омбор комплекслари ва логистика марказлари тармоғи ривожланишида стратегик муҳим жиҳат бўлиб, юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари логистикасини самарали ташкил этиш имконини бериши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси - <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>

2. Бауэрсокс Д. Логистика. Интегрированная цепь поставок. — М.: йлимп-Бизнес, 2001.

3. Чудаков А.Д. Логистика. — М.: Рдл, 2001

4. Носов А.Л. Региональная логистика. — М.: Альфа-Пресс, 2007.

5. Оптимизация транспортных расходов – важный фактор устойчивого развития экономики: проблемы и решения. Аналитический доклад Центра экономических исследований. –Т., No 09/2013, 49 с.

6. Иқтисодий тадқиқотлар марказининг таҳлилий ҳисоботи. - Т., 2013.

7. [www.tracesea-org.org](http://www.tracesea-org.org)

8. Жаҳон банкининг логистик кўрсаткичлар индекси йиллик ҳисоботи маълумотлари 2016 й. <https://lpi.worldbank.org/international/global>

9. Миротин Л.Б. И др. Эффективность логистического управления. Учебник для вузов /Под общ. ред. Д.т.Н., проф. Л.Б. Миротина. – М.: Издательство «Экзамен», 2004. – 448 с.